

## **ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАР – ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР СИФАТИДА**

**Дилдора Бахадировна БАЗАРОВА**

юримдик фанлар номзоди  
профессор

Тошкент давлат юримдик университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[d.bazarova@tsul.uz](mailto:d.bazarova@tsul.uz)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал шаклларнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** шахс, шакл, кафолат, жиноят, жиноят процесси, тергов.

## **УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ФОРМЫ - КАК ГЛАВНЫЕ СРЕДСТВА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ ЛИЧНОСТИ**

**Дилдора Бахадировна БАЗАРОВА**

кандидат юримдикеских наук  
профессор

Ташкентский государственный юримдикеский университет  
Ташкент, Ўзбекистон  
[d.bazarova@tsul.uz](mailto:d.bazarova@tsul.uz)

### **Аннотация**

В статье анализируются теоретические и правовые аспекты уголовно-процессуальных форм обеспечения прав личности в уголовном судопроизводстве.

**Ключевые слова:** лицо, форма, гарантия, преступление, уголовный процесс, расследование.

Жиноят-процессининг муҳим институтларидан бири жиноят-процессуал шакллар ҳисобланади. Мазкур категория бўйича процессуалист олимлар томонидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, бу бўйича назарий қоидалар яратилган.

Хусусан, процессуалист олима З.Иноғомжонованинг фикрича, қонунда аниқ ва бандма-банд кўрсатилган шарт-шароитлар, жиноят процессуал ҳаракатларни изчиллик билан расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқий

муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши жиноят процессуал шакл, деб аталади [3].

А.В.Смирнов ва К.Б. Калиновскийларнинг фикрича, жиноят-процессуал қоидаларда кўзда тутилган юридик тартиб-таомиллар, шароитлар ва кафолатлар процессуал шакллар тушунчасининг мазмунини ташкил қилади [5].

Х.В.Рустамов, “жиноят процессуал шакллар деганда жиноят процесси субъектларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган муносабатларга оид қарорлар қабул қилиш тартиби ва уларни қайта кўриб чиқиш шартларини муайян кетма-кетликда тартибга солувчи нормалар тизимидир” [9], деб ҳисоблайди.

Шунингдек, В.М.Трофименконинг таъкидлашича, “жиноят-процессуал шакл – жиноят процессининг вазифаларини ҳал қилишни таъминлайдиган қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқий тартиб-қоидалар, шартлар ва кафолатлар мажмуидир” [4].

Д.М.Миразовнинг фикрича, “жиноят-процессуал шакл жиноят процесси ва унинг айрим босқичлари, шартларининг жиноят-процессуал ҳуқуқда мустаҳкамланган тузилиши, процессуал ҳаракатларни бажариш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этиш кетма-кетлиги ва тартибидир.

Жиноят-процессуал шаклнинг хусусиятларини қуйидагилар ташкил этади: 1) масалани ҳал қилиш ва процесс иштирокчиларининг хатти-ҳаракат усулларини танлашда ошкоралик принципининг диспозитивликдан устунлиги; 2) процесс иштирокчиларининг муайян тартибдаги хатти-ҳаракатларининг давлат мажбурлов чоралари билан таъминланганлиги; 3) мажбурлов хусусиятининг содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфига боғлиқлиги; 4) дастлабки тергов институтининг мавжудлиги; 5) одил судлов жиноий жавобгарликка тортиш ва айбдорга жазо тайинлашнинг ёки айбсиз шахсни оқлашнинг ягона усули эканлиги; 6) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш институтининг мавжудлиги” [2].

Миллий ҳуқуқшунос олимлар З.Иноғомжонова ва Д.М.Миразовларнинг илмий нуқтаи назарларига қўшилган ҳолда, “жиноят-процессуал шакллар” тушунчасини жиноят процессида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг процессуал ҳужжатларда қайд этиш тартиб-таомилларига боғлаш мақсадга мувофиқ.

Процессуал шаклнинг муҳим таркибий қисмини ЖПКда белгиланган процессуал шаклдаги процессуал ҳужжатлар ташкил қилади. Уларда суриштирув органлари, терговчи, прокурор, судья ёки суд ўз ваколати доирасида, қонунда белгиланган тартибда жиноят иши бўйича юзага келадиган саволларга жавоб берадилар [2].

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд идораларининг жиноят ишларини қонунда белгиланган шаклда қўзғатиш, тергов қилиш, жиноят иши материалларини судга тайинлаш, уларни мазмунан кўриб ҳал қилиш, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишга доир муурожаатлар бўйича қонунга асосланган фаолиятини процессуал ҳужжатларда қайд этишда шахс ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтсак.

Процессуалист олима З.Иноғомжонованинг фикрича, “процессуал шаклга сўзсиз риоя қилиш талабига оддий расмиятчилик сифатида қараш мумкин эмас. Процессуал шакл – жиноят процессуал ҳужжатлар қонунийлиги ва асослилигининг, суд репрессияси аниқлигининг, жиноят процессининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти юқори даражада таъминланишининг, жиноят ишларининг суд муҳокамасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлалигича муҳофаза этилишининг муҳим кафолатидир.

Амалдаги жиноят-процессининг шаклларига эътиборни қаратсак, ҳар бир шаклнинг қонунга мувофиқ келишининг гувоҳи бўламиз. Мисол учун, жиноят ишини қўзғатиш шарти – унинг асос ва сабабларининг мавжудлиги; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш шарти –

етарли моддий ва процессуал асосларнинг мавжудлиги; айблов ҳукмини чиқариш шarti – судда судланувчининг айбдорлиги сўзсиз исботлангани ҳисобланади ва ҳоказо” [3].

Д.М.Миразов томонидан келтирилган юқоридаги жиноят-процессуал шаклнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал шаклларнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ўтсак.

*Хусусан, масалани ҳал қилиш ва процесс иштирокчиларининг хатти-ҳаракат усулларини танлашда ошкоралик принципининг устунлиги муносабатларида шахс ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини қўйидагича изоҳлаш мумкин.*

Бунда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасини келтириш мумкин. Мазкур нормаларга кўра, айрим ҳоллардан ташқари, судда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши деганда шундай суд процесси назарда тутиладики, унда ишлар қонунда белгиланган ёшда бўлган ва суд залига келишни истаган фуқаролар иштирокида кўрилади.

Ишларнинг судда ошқора кўрилиши фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш ҳамда қонунбузарликка нисбатан мурасасизлик руҳида тарбиялаш вазифасини таъсирлироқ ва кенгроқ ҳал қилишга имкон беради, айни вақтда суд органлари фаолиятини халқ оммасининг доимий назорати остига олишни таъминлайди [7].

Шунингдек, судда ишларнинг ошқора кўрилишида процесс иштирокчилари ишни судга қадар юритиш вақтида, яъни терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилиш босқичларида аниқланмаган баъзи ва ўзларига маълум бўлган ҳолатларнинг суд жараёнида аниқланиши натижасида қонуний қарор қабул қилинишига ва шахс ҳуқуқларини таъминланишига эришилади.

*Процессуал мажбурлов чоралари ва шахс ҳуқуқларини таъминланиши.*  
Таъкидлаш лозимки, процессуал мажбурлов чоралари жиноят-процессуал

қонунчиликка кўра, жиноят процессининг муайян босқичларида шахс ҳуқуқларини чеклаш воситалари ҳисобланади.

Бироқ, мазкур процессуал мажбурлов чоралари жамият ва давлат манфаатлари йўлида қўлланилади.

Бунда, жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган ҳолатларида, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш процессуал мажбурлов чораларини қўлланилиши натижасида одил судловга эришилади ҳамда шахс ҳуқуқлари кафолатланади.

Жумладан, ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир. Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин [1].

Мазкур процессуал мажбурлов чорасидан кўриниб турибдики, жиноят содир этилганлиги ҳақидаги фактик маълумотларни ўз ичига олган далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида ушбу чоранинг қўлланилиши, жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан биргаликда, жиноят ишни сифатли ва қонуний ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 238-моддасига кўра, эҳтиёт чораларидан қайси бирини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ушбу Кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослардан ташқари қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, машғулот турини, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олади.

Ваколатли шахслар томонидан эҳтиёт чораларини танлашда эътибор берилдаган ҳолатлар жиноят процессининг эҳтиёт чораларини қўллаш босқичида шахс ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, Жиноят-процессуал кодексининг 249-моддасига кўра, гаров суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бунда, терговчи ёки судья содир этилган жиноятнинг оғирлиги даражасидан келиб чиқиб, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан мазкур эҳтиёт чорасини тайинланиши, мазкур шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш чораларидан бири ҳисобланади.

Яъни, мазкур моддага кўра, ушбу эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд айбловнинг оғирлигини, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкӣ аҳволини ҳамда унинг гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан муносабатларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

*Одил судлов жиноий жавобгарликка тортиш ва айбдорга жазо тайинлашнинг ёки айбсиз шахсни оқлашнинг ягона усули.* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади.

Шунингдек, баъзи манбаларда “одил судлов” тушунчасига – содир этилган жиноятлар ва вужудга келган фуқаролик ишларига оид масалаларни одилонга, қонун асосида кўриб чиқиб ҳал этиш [6], деб таъриф берилган.

“Одил судлов”га берилган таърифдан кўриниб турибдики, жиноят процессида ишларни кўриб чиқишда қонун доирасида ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида айблов ҳукми чиқариш учун қуйидагилар исботланган бўлиши керак:

1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;

2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;

4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;

5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар [1].

Шунингдек, мазкур кодекснинг 83-моддасига кўра, судланувчи қўйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Юқорида қайд этилган нормалардан хулоса қилиш мумкинки, ишларни судларда кўриб чиқишда, шахс ҳуқуқларини таъминлаш йўналишларидан бири сифатида ишларни одилона, қонун асосида кўриб чиқиб ҳал этиш орқали “одил судлов”га эришилади. Бунда, одил судлов жиноий жавобгарликка тортиш ва айбдорга жазо тайинлашнинг ёки айбсиз шахсни оқлашнинг ягона усули бўлиб хизмат қилади.

*Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш институти.* Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашда жиноят-процессуал шаклларининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга

бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади [1].

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи — юзага келган гумон, қўйилган айбни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун билан берилган процессуал имкониятлар (восита ва усуллар) йиғиндисидир. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир кишига шахсий эркинлик ва дахлсизлик таъминланишини кафолатловчи нормаларидан келиб чиқади [8].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорига кўра, гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим кафолати — унинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги Конституцияда белгиланган айбсизлик презумпцияси принципига қатъий амал этилишидадир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноят процессида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг қонуний, асосли ва адолатли ҳал этилиши асосида уларни процессуал ҳужжатларда қайд этилиши, процессда шахс ҳуқуқлари билан биргаликда одил судловни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460#255001>
2. Жиноят процесси: ўқув қўлланма. //Д.М.Миразов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 230 б.
3. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 320 б.



4. Трофименко В. М. Процессуальная форма: сущность и значение в уголовном судопроизводстве // Проблемы законности. 2012. №120. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnaya-forma-suschnost-i-znachenie-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-1> (дата обращения: 24.12.2021).

5. Уголовный процесс: учебник / А.В. Смирнов, К.Б. Калиновский; под общ. ред. проф. А.В. Смирнова. — 4-е изд., перераб. и доп. — Москва: КНОРУС, 2008. — 220 с.

6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Тошкент: Адолат, 2009. — 704 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. — Тошкент: ТДЮИ, 2008. — 690 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/1453755>

9. Rustamov Kh.U. Differentiatsiya form ugolovnogo protsessa (sovremennye tendentsii i problemy sovershenstvovaniya). — 1998. — 120 p.